

Тарихда ёзилишича ва биз шу кунга қадар ишониб келган маълумотларга қўра, Россиянинг энг сўнгги подшоси Николай II ва ўша даврнинг сарой маликалари бўлмиш буюк княгинялар - шонинг хотини ва кизлари 1918 йилнинг июлида болшевиклар ҳукумати томонидан отиб ташланган эди. Аммо буни қарангки, буларнинг барчаси уйдирмага ўхшаб қолди.

Маълум бўлишича, Россиянинг сўнгги ҳукмдори яқин йилларга қадар ҳам Серпухово яқинидаги 17-ўта махфий объектда яшаб келган. Бундан ташқари, ҳукмдорнинг кизи, улуғ княгиня Олганинг ўлиmidан сўнг дафн этилиш сирини эса Ватикан узок йиллар махфий сақлаган.

Ҳап шундаки, Дания Кириллигидаги Петропавловск ибодатхонасидан Александр учинчининг хотини, яъни Николай II нинг онаси бўлмиш императритса Мария Фёдоровнанинг хоки қўчирилиб, қайта дафн этилади. Бу норасмий маросим 1998 йилда ўтказилиб, айнан Николай II ва унинг оила аъзоларининг қайта дафн этилиш вақтига тўғри келади. Лекин шунга қарамай, ҳамон қўп нарсалар махфумлигича қолиб қолмоқда. Уларнинг энг муҳими эса қуйидагича : ҳақиқатан ҳам сўнгги рус подшоси илгариги салафдошлари билан айнан шу улуғ ибодатхонага дафн этилганмиди? Матбуотда бу мавзу жуда қўплаб бир-бирига зид бўлган маълумотлар берилгани, илмий тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, ҳамон бир ҳулосага қелинганича йўқ.

Аммо бу воқеаларга доир «Мир новостей» газетасига парижлик фоторепортёр, 70-йилларда СССРдан муҳожир бўлиб кетган Владимир Сичевнинг берган интервьюсидаги тахмин ва гумонлар шундан далолат берадики, буюк княгинялардан бири Олга Николаевна 1976 йилга қадар Ватикан раҳнамолигида яшаб келган. Бу эса Қолчак топширигига қўра подшо оиласининг аъзоларини битта қолдирмай кириб ташлаш тўғрисидаги бўйруғининг бажарилиши натижалари тўғрисида янги тахминларни юзага қелтиради.

- 1970 йилнинг охирида мен тақдир тақозоси билан Россиядан Ғарбга кетиб қолдим. Айни пайтда Парижда истикомат қиламан. СИПА агентлигида фаолият қўрсатмоқдаман, - деб ўзини таништирган Владимир Сичев қуйидагиларни хикоя қилиб берди:

- 1983 йилнинг ноябрида мен Венетсияга хизмат сафари билан боргандим. Бу ерда йирик давлатларнинг бошлиқлари учрашиши керак эди. Ушбу саммитда бир италян журналисти билан танишиб қолдим. Менинг ўзига ҳамқасаба эканлигим ва айниқса руслигимни билгач, у қўлимга бир газета тутқазди. Унда Николай II нинг отиб ўлдирилишдан қандай сақлаб қолиниши тўғрисида мақола қоп этилганди. Маққур мақолада Швейтсариянинг хусусий клиникаларидан бирида бутун католик дунёсининг диний ҳамшираси Паскалинанинг вафот этгани, бу роҳиба Пия XII (1939-1958й.) папалиги даврида муҳим бир вазифада ишлагани ва энг асосий қарорларни қабул қилишда папага қучли таъсир қўрсата олиши билан машхур бўлган. Католик мазҳабининг маркази бўлмиш бу юртда уни «Ватиканнинг темир қоними» деб

аташарди. Шундай килиб, Паскалина она ўлимидан олдин ёнига адвокат ва гувоҳларни чакиртириб, ўзининг умри давомида шохиди бўлган бир сирни кабрига олиб кетишни истамаслигини билдирган. У Италия шимолида жойлашган Маркотти кишлоги якинида дафн килинган номаълум аёлнинг майити аслида рус подшоси Николайнинг кизи Олганики эканлиги ва у асло 1918 йилнинг 16 чидан 17 июлига ўтар кечаси болшевиклар томонидан отиб ўлдирилмагани тўғрисида гапириб бергани тўғрисида сўз борарди. Шунда В.Сичев италян журналистидан у билан бирга ўша кишлокка бирга боришни, бу кабрнинг мавжудлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилиши кераклигини сўраб, туриб олади. Тўрт соатлик йўлдан кейин улар кишлокка етиб келишади. Махаллий гўрков уларни ҳеч қандай иккиланишсиз бир кабрга бошлаб боради. Дарҳақиқат, кабртошда «Олга Николаевна, рус подшоси Николай II Романовнинг қатта кизи, (1895-1976 йиллар)» деган битик бор эди. Кабртошда марҳуманинг фамилияси қайд этилмаган бўлиб, бу унинг шунча вақт бошқа ном остида яшаганидан далолат берарди.

- Бунинг бари мен учун нихоятда қутилмаган янгилик эди, - ҳикоясида давом этади Владимир Сичев, - ва шу сабаб ҳамон ҳаяжонимни босолмай, таржимон ёрдамида кабристон қоровулидан бу аёл кишлокда қачондан бери яшай бошлаганини сурадим.

- У бу ерга 1948 йилда, урушдан кейин қўчиб келганди, - деди ишонч билан қоровул.

- Бу ерда яшаб юрган вақтида у ўзи тўғрисида бирор бир маълумотлар берганмиди?

- Албатта, Олга қелиши билан бу ердагиларга ўзининг сўнгги рус шохининг кизи эканлигини айтганди.

- Унинг бу гаплари матбуотга ҳам чиқармиди?

- Ҳа, чиқарди.

- Бу қутилмаган арзга бошқа Романовларнинг муносабати қандай бўлди?

- Улар аёлни судга беришди.

- Ва ҳар сафар суд жараёнида ютказармиди?

- Ҳа, шундай.

- Унда, - деб овоз чиқариб мулоҳаза юрита бошладим мен, - бу аёл голиб келган тарафнинг адвокатларининг ҳаражатларини тўлаши керак эди-ку. Бунга у пулни қаердан оларди? У бирор жойда ишлармиди?

- Йўқ, у ҳеч қаерда ишламасди.

- Унда бу ҳаражатларни ким тўлаган?

Коровул хотиржам , шуни хам билмайсизми дегандек жавоб берди:

- Ахир кишлоктагиларнинг хаммаси унинг Ватикан хомийлигида эканлигидан хабардор эдилар.

Парижга кайтгач, В.Сичев мархумага тегишли бор хужжатларни титкилашга тушади. Ва махфий хужжатлардан хакикатдан хам шох оиласини ёппасига отиб ташлаш катли содир этилмаганини билиб олади.

«КАТЛ» НОМЛИ СПЕКТАКЛ

Бизга етиб келган маълумотларга кўра, ўз топширигининг кай даражада тоза бажарилганини аниклаб келиш учун ўша пайтларда адмирал Колчак кандайдир Наметкин деган кимсани шу ишни ўрганиш бўйича изкуварликка ёллади. Терговчи вазифасига тайинланган ва бу иш билан уч ой машгул бўлган Наметкиннинг фикрича, бу иш ўта жўн бўлиб, у куйидаги хулосага келади: ҳеч канаканги катл отишмаси содир этилмаган, шунчаки газот инстсенировкаси намойиш этилган холос.

Бундай хулоса Колчакни каноатлантирмайди ва Наметкиннинг берган ёзма ахборотини тортмага ташлаб қўйиб, бошка бир, Сергеёв фамилияли изкуварни ёллади. Айнан Сергеёв хакикатни охиригача очиши керак эди.

Худди ана шу ерда биз ҳозирги замон ўқувчиларига айрим нарсалар янада ойдин бўлиши учун бироз чекиниш қилишимизга тўғри келади. Инчунун ўша даврдаги воқеаларга шохид бўлган руслар 1917 йилдаги мазкур воқеалар хақидаку яхши билишарди, аммо франтсузларнинг кинояли таъкидларига кўра шохни Ленин катл эттирган деб ҳисобланиб келинган. Вахоланки, ўша пайтда Ленин эндиgina чет элдан, Германиядан қайтиб келган, шохни эса ок республикачилар горат қилишганди. Эндиликда уларга тирик шохнинг ҳечам кераги йўқ ва подшоҳ тўғрисидаги қолган-қутган афсоналар эса шунчаки тўқиб-бичиб ташланган эди. Аслида эса хаммаси бошқача бўлган. Яъни изкувар Сергеёв уч ой мобайнида Колчакка куйидагиларни маълум қилиб туради: «Мен профессионалман ва бу воқеаларнинг хаммасини таҳлил қилиб чиқиш учун менга кўп вақтнинг кераги ҳам йўқ. Шунинг учун таъкидлайманки, ҳеч канаканги катл содир этилмаган ва бу «хунрезлик» сахна кўриниши бўлган холос.» Аммо бу кўрсатмалардан хам каноатланмаган Колчак мазкур ишга ўз одами - юрист Николай Соколовни жалб этади. Соколов 1919 йил февралининг охиридан май ойининг сўнгигача бу иш билан шугулланади. Бирок қидирув ишларини яқунлашга улгуролмай қолади: сабаби кизиллар Екатеринбургни ишғол қилгандилар. Ок армия билан бирга архив хужжатларини хам ўзи билан олганча чекинган Соколов Парижга келиб қолади ва ният 30-йилга келиб «Шох оиласининг катли» номли китобча чоп эттиради.

(Шу ерда аниклик қиритиб ўтадиган бўлсак, Соколовнинг мазкур китоби аслида 1925 йилда чоп этилаган бўлиб, унинг муаллифи 1924 йилнинг 23 ноябрида «маълум бўлмаган сабабларга кўра» вафот этганди. Бу инсоннинг кўримсизгина кабрига дўстлари томонидан ўрнатилган лавҳага эса куйидаги сўзлар зикр этилган: «Сенинг

Хакикатинг- Абадий Хакикат». Россияда бу китоб 1990 йилдагина «Советский писател» нашриёти томонидан чоп этилади.

Бундан ташкари, шуни таъкидлашим мумкинки, айнан ўша даврга келиб, Париждаги рус антиквар магазинларида Соколов тадқиқотларининг бирининг нусхасини сотиб олишни таклиф қилишди. Мазкур нусха қадимги машинкада терилган бўлиб, шохнинг ўлдирилган оила аъзоларининг суратлари, Коптягада ёндириб юборилган бу мурдаларни излаш схемалари, Соколов дастхатлари ва ўша пайтда бор-йўғи бир нечагина нусхада бўлган ашёлардан иборат эди. Магазин хўжайини мазкур бебаҳо хужжатлар учун беш минг доллар сўради. Афсуски, ўша пайтда Парижда мен бу миқдордаги пулни топишнинг иложини қилолмадим. Бундай ноёб хужжатларнинг ўз баҳосига нисбатан бу қадар арзон бўлишининг сабаби шунда эдики, ашёвий хужжатлар тўплами ичида битта боб етишмасди.

- Шундай қилиб, ҳар иккала изкуварнинг ҳулосалари, - давом этади Сичев, - фавқулодда қутилмаган бир нарсани, яъни ҳеч қандай қатли ом бўлмаганини тасдиқлайди. Бундан ташкари, шу пайтгача ўлдирилганларнинг танаси топилмаган, демек мурдалар юк-ки, қатл ҳам бўлмаган. Бундан қилиб чиқадики, бутун бошли подшоҳ оиласи изсиз гойиб бўлганми?

Расмий таҳминларнинг мантикка тўғри келмаслиги сабаби - оқлар Екатеринбургга саккизинчи қуни қириб келгани маълум бўлади. Император поёзди ваҳима ва кўрқув билан бу ердан қикиб кетади. Ўлдирилганларнинг жасақлари юк машинасидаги иккита солдатга топширилади. Ўлкашунослик музейидаги маълумотларга кўра, бу ҳайдовчиларнинг машина бақида жами 78 литр бензин борлиги маълум бўлади. Бу ёнилғи миқдори шу қадар кўпки, ҳас-ҳашақлар билан ёпилган мурданинг устига бир қарра учқун беришнинг ўзи бутун таналарнинг қулини қунпаяқун қилиши турган гап. Бундан ташкари, мурдаларни дафн этиш - бу уларни ўлдирганларнинг иши эмасми, буларга тақдирнинг ҳукмида номаълум қолдирилган иккита ҳудобеҳабар аскарнинг нима алоқаси бор?

Шундай қилиб, Николай IIни 1998 йилда Романовлар билан эмас, унинг ёнидаги қардошлиқ қабристонига қайта дафн этдилар. Мазкур тантанада «Романовлар - императорлар оиласи» деган иборалар жарангламади. Бунда фақат улуг азобга қириқтор бўлганлар, айбсиз қатл этилганлар ҳақидагина сўз борди.

Яқинда эса Николай ва унинг қавм-қариндошларининг майитидан қолган суяқларни экспертиза қилиш ишларида иштирок этган японияликлар бизнинг ўтказган текширувларимиз ҳатолиги, Петропавловскда дафн этилган суяқлар бошқа бировларники эканлигини таъкидлашди. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, дафн этилганлар орасида Анастасия ва Алексейнинг суяқлари йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, шох оиласининг ёппасига отиб ўлдирилгани тўғрисидаги таҳмин ҳеч қандай мантикка тўғри келмайди. Мутахассислар таъкидлашмоқдаки, бундай отишмадан омон қолиш умуман мумкин эмас. Бундан қилиб чиқадики, ёхуд Ипатевский ертўласида ўтказилган қатлда бу бахтиқароларнинг ҳаммаси битта қолмай қириб битирилган ёхуд умуман бу қатл содир

этилмаган .

Сичев бу вокеларни гапириб беришни якунлаганда, махфий 17-объектдан тортиб, Коншин реквизицларига унинг компютерида шу мавзуда бирор бир маълумот топилмасмикин, деб кизикиб колади. Буни карангки, уч минутга колар-колмас, компютердан шундай жавоб олинади: Ха, Сталин икки бор Кремлни тарк этиб, зиёратга чиккан. Биринчи бор - чет эл ёзувчиси, яъни Жон Риднинг дачасига, иккинчи бор эса Оржоникидзенинг дачасига.

- Менимча эса, - дея шубхаланишда давом этади Сичев, - Сталиннинг Москвадан аллакандай чет эллик ёзувчини зиёрат килиш учун бориши ёхуд Оржоникидзеникига меҳмондорчиликка киришига ишониш кийин. Ва шундан келиб чиқадики, агар шонинг катта кизи Олга 1976 йилда вафот этганини ҳисобга оладиган бўлсак, демак Россиянинг сўнги подшоҳи 30-йиллар охирида вафот этган ва Россиянинг гарбий ҳудудларининг бирлаштирилиши рус императорининг ўзи билан бамаслаҳат ҳолда амалга оширилган бўлиши ҳам мумкиндир. Бошқача килиб айтганда, мазкур қайта очилган далиллар қандайдир ақл бовар қилмас маънога эга. Хўш, Николай II аслида ким? Ким ўзи бу темир никобли одам?

Ҳамкасабаси билан бўлган янги учрашувида Париж репортёри унга Сталиннинг Коншинога қилган ташрифлари тўғрисида гапириб беради. Бунга жавобан у ҳаяжон билан қуйидагиларни ҳикоя қилади: «1983 йилда биз хотиним билан худди ана шу именияга ташриф буюргандик. Мен худди банклардаги каби пўлат деворлару бураб очиладиган туткичли эшикларни хали -хали эслайман. Назарий нуктаи назардан ҳам, амалий жихатдан ҳам бу ерда шу нарса кўринардик, бундай темир бетон девор ортида исталган одам кўрикланиши мумкин эди. Дарвоқе, ҳозир, бир дақиқа, шошмай туринг, мен хотинимга бирров кўнгирок килиб боқайчи», деди у ва телефон рақамларини терди. У ёқдан гўшак олинган, сўради: «Ирина, эсингдими, биз 1983 йилда Коншинларнинг имениясига боргандик.У ерда ҳаммасидан ҳам кўра нималар сени лол қолдирганди?» Ва гўшакни менга узатади. Гўшакдан аёл кишининг «У ерда мени ҳаммасидан ҳам кўра кўпроқ ҳайратга солган нарса бу - Коншинлар қабрининг очиб ташлангани бўлганди» дегани эшитилди.

- Галати, шундай эмасми? - сўрайди мендан Сичев.

- Бунинг нимаси ажабланарли. Шунчаки гўрковлар иши ёки бирор ҳазина қидирувчининг ўзбошимчалигидир-да.

- Хечам бундай эмас! Аниқ тахмин шундан иборатки, 17-махфий объектнинг қабристони, боз устига Сталиннинг бу ерга икки бор сирли тарзда келиб кетганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бу жой полковник Романовнинг ҳоқини сақлаган, яъни унинг қимнингдир нимадандир ниҳоятда ҳавотирланишига сабаб бўлган суяқларини! Ва афсуски бу ҳавотир хали ҳамон йўқолмаган кўринади.

Дилфуза таржимаси

